

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ

**СОДДА ГАП СИНТАКТИК ШАКЛИНИНГ АППЛИКАТИВ
МОДЕЛ ДОИРАСИДА КЕНГАЙИШИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Philology sciences**

Самандаров Рустам Дўсёрович

Содда гап синтактик шаклининг аппликатив модел доирасида кенгайиши	3
---	---

Самандаров Рустам Дўсёрович

Расширение синтаксической формы простого предложения в рамках аппликативной модели	25
---	----

Samandarov Rustam Do'syorovich

Expansion of the syntactic form of the simple sentence in the framework of the applicative model	45
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works	49
--	----

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ

**СОДДА ГАП СИНТАКТИК ШАКЛИНИНГ АППЛИКАТИВ
МОДЕЛ ДОИРАСИДА КЕНГАЙИШИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET»ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турниязов Нигмат Қаюмович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамажонов Алижон
филология фанлари доктори, профессор

Азимов Иномжон Мамасодикович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdm.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2019 йил «___» ____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» ____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

С.М.Мўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига структур лингвистика муаммоларини ўрганиш бобида эришилган ютуқлар изоҳ талаб қилмайди. Бироқ бошқа фанлар қатори тилшунослик фани ҳам ҳар доим тараққиётдадир. Шу боис кечаги ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун замон талабига мос ҳолда илмий кузатишлар олиб боришимиз ўз-ўзидан тадқиқотларимиз кун тартибига қўйилмоқда. Ҳозирги пайтгача тилимизнинг система эканлигини ва бу системанинг нималардан ташкил топиши, унинг бирликларининг ўзаро муносабати каби масалалар ўрганилди.

Дунё тилшунослигига гап синтаксиси масалалари бугунги кунга қадар ўрганилиши жуда муҳим аҳамият касб этадиган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айни вақтда шу системанинг амалда қўлланилиши тилшунослик муаммоларини систем-структур ва когнитив-прагматик нуқтаи назардан ёндашишни ташкил этмоқда. Аммо бугунги тилшуносликда ана шу системанинг амалда қўлланилиши муаммолари билан боғлиқ тадқиқотлар устувор аҳамият касб этмоқда. Бундай ишлар жумласига антропоцентрик тилшунослик ва у билан бевосита алоқадор бўлган когнитив-прагматик тилшунослик, психолингвистика, нейролингвистика, систем-структур тилшунослик, шунингдек, нутқ лингвистикаси масалаларини ўрганишга бағишлиланган илмий кузатишларни кирита оламиз.

Бугунги кунда, ўзбек тилшунослигига систем-структур лингвистикаси муаммоларини ўрганиш бўйича амалга оширилган изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Трансформацион модель, бевосита иштирокчилар модели, шунингдек, дистрибутив моделга таяниб амалга оширилган ишлар бўлса-да, трансформацион модель сингари яратувчанлик ҳамда синергетик кучга эга бўлган аппликатив модель доирасида олиб борилган ишлар кузатилмайди. «.. илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Ҳалқимизда «таълим ва тарбия бешикдан бошланади» деган ҳикматли бир сўз бор. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим»¹ лиги вазифаси тилшуносликка оид назарий ва амалий тадқиқотлар учун асосий йўналишларни белгилаб беради. Гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласи тадқиқида аппликатив моделдан фойдаланиш, синтактик деривация масаласи билан ҳам боғлиқки, бу орқали аппликатив модель трансформацион модель билан кесишади ва шу тарзда тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилишини таъминловчи механизм мақомини олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// «Халқ сўзи» газетасининг 2018 йил 29 декабрдаги 272-сони

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузишини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласи шаклий мураккаблашув маъносида тилшунослиқда анча мукаммал ўрганилган. Бунинг далили сифатида гапнинг уюшиқ ва ажратилган бўлаклари, киритма, кириш сўз ва бирикмалар, ундалма кабиларнинг атрофлича ёритилганини кўрсатиш мумкин (Потебня А.А., Буслаев Ф.Н., Пешковский А.М., Руднев А.Г., Абдураҳмонов Ф.А., Асқарова М., Нурмонов А., Махмудов Н., Сайфуллаев А., Ҳ.Болтабоева ва бошқалар)².

Гап синтактик шакли кенгайиши масаласи тилшунослигимизда формал-функционал нуқтаи назардан ҳам ўрганилган (Турниёзов Н., Қурбонова М., Яхшибоев Ф.)³. Бироқ унинг аппликатив ва трансформацион назариялар

² Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1-2. – Харьков, 1888, с. 117-118; Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. – М., 1975, §110; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: Учеб., 1956, 448 с.; Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1968, 319 с.; Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси, – Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 246 б.; Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, Ўқитувчи 1987, 255б.жж Нурмонов А. Гап ҳакида синтактик назариялар. – Тошкент, 1988, 99 б.; Махмудов Н.М. Семантико – синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка// АДД. – Тошкент, 1984, 45с.; Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. – Тошкент: Фан, 2000, 127 бет.

³ Турниёзов Н. Аппликатив усул ва унинг деривацион имкониятлари хусусида // Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактик аспекти. - Самарқанд, 2011, 259-263 б.; Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигига формал – функционал йуналиш ва содда гап қурилишининг талқини//Док.дис.автореф. – Тошкент, 2001, 45 б.; Яхшибоев Ф.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси. – Тошкент: Фан, 2006, 109 б.

ёрдамидаги талқини, хусусан, гап шаклини моделлаштириш ва масала тавсифига когнитив-прагматик тамойиллар асосида ёндашиш каби масалалар умумий тилшунослик доирасида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам ҳали тадқиқталаб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотниң мақсади тил материалы замирида аппликатив ва трансформацион моделлар воситасида гап синтактик шакли кенгайиши масаласининг намоён бўлиш жиҳатларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотниң вазифалари:

структур тилшунослик шаклланиши ва у билан боғлиқ илмий йўналишлар хақида маълумот бериш;

гапнинг синтактик шакли мураккаблашуви масаласининг анъанавий тилшуносликда ўрганилиши ҳолатини ёритиш ва бу соҳа бўйича мавжуд тадқиқот ишларига муносабат билдириш;

апплекатив моделнинг гап шаклини кенгайтирувчи (яратувчи) механизмлардан бири эканлигини кўрсатиш;

апплекатив модел билан синтактик валентлик назарияси ўзаро муносабатининг мукаммал изоҳини бериш;

апплекатив моделнинг синергетик имкониятини далиллаш;

апплекатив модел қўлланилишининг юқори босқичи унинг трансформацион модел билан кесишиши эканлигини асослаш;

апплекатив ва бевосита иштирокчилар моделларининг узвий боғлиқлигини кўрсатиб бериш;

апплекатив моделнинг фақат бир гап доирасида эмас, балки жумлалараро қўлланиш имконияти ҳам мавжудлигини илмий асослаб бериш.

Тадқиқотниң обьектини синтактик шакли аппликатив ва трансформацион моделлар доирасида кенгайиши ҳамда таҳлил учун олинган гапларнинг структур схемаларини белгилаш ҳисобланади.

Тадқиқотниң предмети гап шаклининг аппликатив ва трансформацион моделлар доирасида кенгайиши ҳамда таҳлил учун олинган гапларнинг структур схемаларини белгилаш ҳисобланади.

Тадқиқотниң усуллари. Диссертацияда, асосан, структур тилшуносликнинг аппликатив, бевосита иштирокчилар ва трансформацион усуллари қўлланилган.

Тадқиқотниң илмий янгилиги қўйидагилар билан белгиланади:

тил материалининг тадқиқи жараёнида генотипик, генотип ва фенотипик тиллар салоҳиятининг мавҳум, абстракт ҳамда аниқ, муайян, конкрет ҳолатлари асосланган;

аппликатив моделнинг ажратилган бўлаклар, уюшиқ бўлаклар, ундалма каби синтактик шаклни кенгайтирувчи восита эканлиги инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида очиб берилган;

трансформация аппликатив модель қўлланилишининг юқори босқичи эканлиги ҳамда аппликатив моделнинг жумлалараро аҳамият касб этиши далилланган;

аппликатив ҳамда трансформацион моделлар синтактик деривация ҳодисасининг асосий механизмлари эканлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

аппликатив модел қўлланилишининг генотипик ва фенотипик босқичлари мавжудлиги изохланган;

аппликатив модел гап шаклини кенгайтирувчи (*яратувчи- порождающий*) механизмлардан бири эканлиги атрофлича ёритиб берилган;

аппликатив моделнинг тилнинг нутқقا кўчирилишида салмоқли синергетик кучга эга эканлиги далилланган;

аппликатив ва бевосита иштирокчилар (БИ) моделларининг ҳамда синтактик валентлик назариясининг узвий боғлиқлиги кўрсатиб берилган;

аппликатив модел қўлланилишининг юқори босқичи унинг трасформацион модел билан ўзаро кесишиши эканлиги фактик тил материалига таянган ҳолда асосланган;

аппликатив модел фақат бир гап доирасида эмас, балки жумлалараро қўлланилиши ҳам мумкинлиги ишонарли асосида кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги танланган текширув объектларига ёндашиб, фойдаланилган лингвистик методларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга изчил асосланганлиги, фойдаланилган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикрлар ва уларга муносабат билдирилиши, эришилган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшунослигимиздаги муаммоларга систем-структур ва когнитив-прагматик нуқтаи назардан ёндашиш ҳамда трансформацион модель сингари яратувчанлик ва синергетик кучга эга бўлган аппликатив моделга таяниш асосида ифодалангандиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилшунослик машғулотларида лингвистик таҳлил методларини ўқитишида, шунингдек, тадқиқот натижаларига систем-структур тилшунослик доирасида изланиш олиб бораётган илмий ходимлар, битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияларини ёзаётган талабалар ҳам фойдаланиши мумкинлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Содда гап синтактик шаклининг аппликатив модель доирасида кенгайиши мавзусидаги тадқиқотнинг илмий натижалари қўйидаги илмий ишларга татбиқ этилган:

аппликатив модель синтактик валентлик ҳодисаси билан узвий муносабатда бўлиши, дескриптив тилшуносликнинг бевосита иштироқчилар назарияси билан аппликатив моделнинг узвий боғлиқлиги, гап синтактик шаклининг кенгайиши хусусидаги натижаларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» (2008-2011) мавзусидаги фундаментал лойихада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2019 йил 26 январдаги 89-03-458-сон маълумотномаси). Натижада, аппликатив модель синтактик деривация назариясининг асосий иш механизмларидан бири эканлиги асослаб берилган;

гап шаклининг аппликатив модель доирасида ишлаб чиқилган таҳлил усулларидан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўкув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида (2014-2015) кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2019 йил 26 январдаги 89-03-458-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида яратилган ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш, таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш мақсадига қаратилган услубий қўлланмалар, ўкув дастурлари янги методлар билан бойиган;

содда гап синтактик шаклининг аппликатив модель доирасида кенгайиши бўйича олинган натижалар Ўзбекистон миллий телерадио-компанияси тизимидағи Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Самарқанд садоси» радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 3 июндаги 09-02/328-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий-оммабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжумандан, жумладан, 3 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 15 та илмий мақола нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарбилиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилиниши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** «Гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласи ва унинг тилшуносликда ўрганилиш ҳолати» деб номланиб, у икки параграфдан ташкил топган. Бобнинг «Гап синтактик шакли кенгайишининг анъанавий тилшуносликда ўрганилиши» деб номланган биринчи параграфида гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласининг умумий тилшуносликда ўрганилиши ҳолатини таҳлил қилишга бағишиланади. Унда гапнинг синтактик шакли кенгайиши (мураккаблашуви) масаласини ўрганиш бобида тилшуносликда амалга оширилган тадқиқот ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилади ва ушбу тадқиқотлар муаллифлари фикрларига муносабат билдирилади.

Равшанки, гап синтаксиси масаласи жаҳон тилшунослигига ҳар доим долзарб бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Айни пайтда, айниқса, семантик синтаксис ва структур синтаксис муаммолари талқини бобида бажарилаётган тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этиши изоҳ талаб қилмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳозирги даврга қадар кўпгина тадқиқот ишларида мантиқий – семантик ва формал – структур йўналишлар таяниши лозим бўлган тамойиллар аксарият ҳолларда қоришириб юборилмоқда. Бундай вазият, албатта, тил материалининг соф грамматик тамойиллари ва уларга хос қоидалардан бирмунча четлашиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, гап бўлакларининг белгиланишини олайлик. Бунда соф грамматик тушунчаларга эмас, балки мантиқий – семантик тушунчаларга асосланиб келинаётгани сир эмас. Аммо бу билан биз мантиқни тилшуносликдан ёки тилшуносликни мантиқдан ажратиб қўйиш лозим демоқчи эмасмиз. Аммо уларнинг ҳар бирида фақат ўзидахина намоён бўла оладиган категориялар ҳам борки, тадқиқот ишларида биринчи галда ана шуларга таяниш лозим деб ўйлаймиз.

Структур тилшуносликнинг шаклланиши ва унинг ўз нуфузли мақомига эга бўлиши тилшунослик фани тараққиётини янги даврга олиб кирди. Бунда асосий эътибор тилнинг система эканлиги ва система элементларининг ҳар бири бошқалари билан узвий алоқада бўлишига қаратилиши ғоят муҳим аҳамият касб этди. Аммо айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, ички тилшунослик бўшлиқда яшамайди. Унинг фаолият кўрсатиши у ёки бу даражада ташқи тилшунослик имкониятлари билан ҳам боғлиқ бўлиши табиийдир. Тўғри, структур тилшунослик ҳар қандай масаланинг илмий талқинини тил системасининг қонун-қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда беришга интилади. Бироқ тил белгиларининг амалда қўлланилиши pragmatik

омиллар таъсирида эканлиги шубҳасиздир. Бу эса когнитив тилшуносликнинг илмий асосланишига олиб келди.

Когнитив тилшунослик инсон онги билан, унинг билимлари даражаси билан боғлиқлиги боис, тил системаси бирликларининг амалда қўлланилишига бевосита таъсир кўрсата олади. Ҳар бир сўзловчининг ўзига хос нутқий кўнижмаси ва у билан алоқадор бўлган билимлар захираси бўлиши табиийдир. Демак, бу ўринда *фрейм* тушунчасига эътибор қаратишимиш лозим бўлади, зотан, у инсон онгидаги билимлар тўрини тақозо этади⁴. Аслини олганда, тилимиз системасида мавжуд бўлган барча бирликлар (сўзлар) фреймлар системасини ташкил этади»⁵.

Дарҳақиқат, тил системасининг муҳим бирлиги саналувчи *сўз* шундай хусусиятга эга. Буни сўзнинг нутқда қўлланилишида бевосита қузата оламиз. Масалан, гапнинг уюшиқ бўлакларини олайлик. Бундай бўлакларни анъанавий тилшуносликда гап шаклини кенгайтирувчи (мураккаблашти-рувчи) омил сифатида талқин этишади. Масала тавсифига когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, бу жараёнда уюшиқ бўлакларда субфрейм ва турдош фреймлар фаолият кўрсатишини англаш қийин эмас. Бу эса *фрейм* тушунчаси гапнинг синтактик шакли кенгайиши билан ҳам алоқадор эканлигидан далолат беради.

Равшанки, анъанавий тилшуносликда гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласи уюшиқ ва ажратилган бўлаклар воситасида рўй беришига эътибор қаратилади. Қўйида ана шу масала тавсифига қисқача тўхталамиз.

А.Г.Руднев синтаксисда мураккаб гапнинг текширув предметини тубандагилар ташкил этишини таъкидлайди: гапнинг ажратилган бўлаклари, кириш сўз ва бирикмалар, уюшиқ бўлаклар ва ундалма⁶. Олим мураккаб структурали гап ҳақида мукаммал маълумот беради ва масала тавсифига тарихий жиҳатдан ҳам ёндашади. Унга кўра, рус тилшунослигига А.Востоков, И.Давидов ва Ф.Буслаев қаби тилшуносларнинг содда гап мураккаблашган шаклини воқелантирувчи воситалар муайян эргаш гапларнинг қисқартирилган шаклларини тақозо этиши хусусида айтилган мулоҳазалари эслатиб ўтилади: *Мой брат обрадовался увидев своего друга – Мой брат обрадовался, когда увидел своего друга.* Бироқ бундай вазият А.Г.Рудневнинг таъкидлашича, тил билан мантиқ категорияларини қориштириб юборишга олиб келади.

Уюшиқ бўлаклар ҳам гапнинг синтактик шакли кенгайишида муҳим аҳамият касб этади. Рус тилшунослигига узоқ йиллар давомида уюшиқ бўлакли гаплар уюшган гаплар тарзида ўрганилиб келинди. Бунда Н.И.Греч, Ф.И.Буслаев⁷ қаби олимларнинг лингвистик ғояларига таянилди. Аммо *уюшиқ*

⁴ Карапг: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах; 2006, 41- бет.

⁵ Касевич В.Б. Семантика.Синтаксис. Морфология. – М., 1989. – С.20.

⁶ Карапг: Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. – М., 1968.– С.120.

⁷ Карапг: Греч Н.Н.Практическая русская грамматика. – СПб., 1934. – С.369; Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. – М., 1875., §110.

ган тушунчасини А.А.Потебня, А.А.Шахматов⁸ каби тилшунослар инкор этдилар. Дарҳақиқат, *уюшиқ ган* тушунчаси илмий асосли эмас.

А.Г.Руднев уюшиқ бўлаклар деганда, уларнинг лексик маъноси ва морфологик ифодаси назарда тутилмаслигини, айни пайтда уюшаётган бўлакларнинг синтактик муносабати ва вазифалари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди⁹. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина илмий манбаларда гапнинг уюшиқ ва ажратилган бўлаклари қоришириб юборилмоқда. Масалан, умумлаштирувчи сўзни олайлик. Қарийб барча дарслик ва ўқув қўлланмаларида умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклар билан бир хил саволга жавоб бўлиши ва бир хил синтактик вазифа бажариши эслатиб ўтилади. Аммо фактик тил материали таҳлили мазкур мулоҳазани инкор этмоқда. Зотан, умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлак эмас, балки ажратилган бўлак эканлиги ўз исботини топмоқда.

Гап шаклининг кенгайиши ярим предикативли қурилмалар воситасида ҳам воқеланади. Г.Абдураҳмоновнинг қайд этишига кўра, ярим предикативли қурилмалар ажратилган бўлакли, кириш сўз ва бирикмали, шунингдек, ундалмали гапларда ҳам аҳамият касб этади¹⁰. Г.Абдураҳмоновнинг содда гап структурасининг мураккаблашуви ҳақида билдирган фикри Н.Маҳмудовнинг тадқиқот ишларида янада мукаммалаштирилди. Олим туркологияда биринчи бўлиб, ярим предикативли қурилма хусусида атрофлича илмий асосли маълумот берди¹¹. Н.Маҳмудов сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ўрамларининг алоҳида хусусиятга эгалигини, улар иштирок этган гапларда ҳам шаклий, ҳам мазманий мураккаблашув кузатилишини таъкидлайди¹².

А.Ғуломов, М.Асқароваларнинг «Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис» деб номланувчи асарида ҳам содда гап синтактик шаклининг кенгайиши масаласи предикативлик муаммоси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бошқача айтганда, айни пайтда ҳам ярим предикативлик ҳодисасига эътибор қаратилади¹³.

Ғ.Яхшибоев ҳам содда гап шаклининг мураккаблашуви ярим предикатив қурилмалар билан боғлиқ бўлишини қайд этади. Айни пайтда тўлиқ предикативли эмас, балки ярим предикативли қурилмалар назарда тутилади¹⁴.

Бобнинг иккинчи параграфи «*Гап синтактик шакли кенгайишининг формал-структур жиҳатдан ўрганилиши*» деб номланади.

Гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласи формал-структур жиҳатдан ўзбек тилшунослигига бирмунча ўрганилган. Гап қурилишида сўз ва гап кенгайтирувчилари тадқиқи М.Курбонованинг докторлик ишининг мавзусини

⁸ Қаранг: Потебня А.А.Из записок по русской грамматике. Т.1-2. – Харьков, 1888. – С.117-118; Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – Л., 1941. – С. 235.

⁹ Қаранг: Руднев А.Г. Кўрсатилган асар, 192-бет.

¹⁰ Қаранг: Абдурахманов Г. Синтаксис осложненного предложения (К некоторым спорным вопросам синтаксиса тюркских языков) // Структура и история тюркских языков. – М., 1971. – С.140.

¹¹ Қаранг: Махмудов Н.М. Семантико-синтактическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. АДД. – Тошкент, 1984.

¹² Қаранг: А.Нурмонов., Н.Маҳмудов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент, 1995, 97-бет.

¹³ Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.Синтаксис. – Тошкент, 1987,139-бет.

¹⁴ Қаранг: Яхшибоев Ф.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореферати. – Самарқанд, 2004, 9-бет.

ташкил этади. Олима гапнинг синтактик шаклини кенгайтирувчи воситаларни мукаммал ўрганганлигини кўрамиз. М.Қурбонова гап қурилишини формал-функционал йўналишда тадқиқ этиш ўзбек тили синтаксисини қайта кўриб чиқишини долзарб муаммо қилиб қўйишини алоҳида таъкидлайди¹⁵.

Гап шаклининг уюшган ва ажратилган бўлаклар воситасида кенгайиши масаласини ўрганишга Н.А.Садуллаеванинг номзодлик диссертацияси ҳам бағишлиланган бўлиб, бунда масала тавсифига ҳозирги ўзбек ва инглиз тиллари материали асосида ёндашилади. Мазкур ишда гапнинг бош бўлаклари ҳам ажратилиши мумкинлиги далиллаб берилади¹⁶.

Гап шаклининг синтактик кенгайиши аппликатив модел доирасида бўлганида деривацион жараёнда гап таркибига ниманидир қўшишни тақозо этади. С.К.Шаумян ва П.А.Соболеваларнинг тўғри таъкидлашларига кўра, аппликатив модел мураккаб лингвистик бутунликнинг нималар воситасида шаклланганлигини хар қачонгидан аниқроқ кўрсатиб бера олади¹⁷.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, аппликатив ва трансформацион моделлар моҳиятига кўра муштарак эмас. Бироқ Ю.Д.Апресян аппликатив моделнинг иккинчи босқичи сифатида трансформацион қоидаларга асосланган операциялар қўлланилишини қайд этади¹⁸. Олим трансформацияни анча кенг маънода тушунади ва шу боис аппликатив ҳамда трансформацион моделларни бир – бирига яқинлаштириб қўяди. Ваҳоланки, улар ўртасидаги фарқни ҳам, назаримизда, эслатиб ўтиш лозим эди. Маълумки, аппликатив модел синтактик қурилмаларнинг маъно муштараклигига асосланмайди, трансформация эса мазмуний бир хилликка таянади. Аммо икки гапнинг ўзаро қоришуви аппликатив модел доирасида рўй беришини ҳисобга олсак, у ҳолда Ю.Д.Апресян таъкидлаётган трансформация бу ўринда аппликатив модел билан бир хил маъно касб этади. Албатта, айни пайтда *контаминация* усулини назарда тутмоқдамиз. Контаминация айнан ана шу тарзда ўзаро қоришаётган синтактик структураларни тақозо этади.

Н.Турниёзов контаминация усули орқали бажариладиган операция жараёнида асос гапларнинг бирида транспозиция ҳодисаси рўй бериши ва бунинг натижасида элементар асос гапларнинг биридан муайян унсурнинг тушурилиши ва шу асосда шакли кенгайтирилган янги ҳосила вужудга келишини қайд этади¹⁹. Умуман олганда, контаминация аппликатив модел билан трансформацион моделнинг кесишиши учун имконият яратади.

Диссертациянинг **иккинчи боби** «Гап синтактик шаклининг аппликатив модел асосида кенгайиши» деб номланади.

Биринчи параграфда аппликатив моделнинг тавсифи берилади. Равшанки, гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласининг ҳам тарихий тараққиёт йўли

¹⁵ Қаранг: Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигига формал – функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талкини // Докт.дис.автореф. – Тошкент, 2001, 28-бет.

¹⁶ Қаранг: Садуллаева Н.А. Уюшган ва ажратилган кенгайтирувчиларнинг қиёсий тадқиқи (ўзбек ва инглиз тиллари мисолида) // Номзод. дис.автореферати. – Тошкент, 2011, 21-бет.

¹⁷ Қаранг: Шаумян С.К., Соболева П.А. Основания порождающей грамматики русского языка. – М., 1968. – С.8.

¹⁸ Қаранг: Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. – М., 1966. – С.224.

¹⁹ Қаранг: Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент, 2009, 91-бет.

мавжуд. Мазкур масала ҳатто антик даврларда ҳам олимлар эътиборида бўлганлиги маълум. Фикр далилини қадимги ҳинд тилшунослигига Панини томонидан меъёрий грамматика яратилганлиги ва бунда дастлаб санскритда сўз ўзаклари шаклланишида товушлар алмашинуви, уларнинг ўзаро муносабати ҳақида маълумот берилганлигига кўрамиз. XVII асрда универсал грамматика яратиш борасида қилинган ишлар ҳам бунга мисол бўла олади. Бунда, айниқса, гапнинг шаклланиши ва бу жараёнда элементар фикр ифодасини берувчи қурилмалар асосида мураккаб шаклли гапнинг вужудга келиши хусусида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ибратлидир: *Бог невидимый + Бог создал мир + Мир видимый = Невидимый бог создал видимый мир*²⁰.

Шубҳасиз, фан ҳар доим тараққиётда. Шу боис кечаги эришилган ютуқлар бугун учун камлик қилиши мумкин. Бу эса муайян масалалар тавсифига янгича ёндашишни талаб қиласи.

Бугунги тилшунослигимизда масала тавсифига ҳозирги пайтда долзарб ҳисобланган систем-структур, когнитив-прагматик тилшуносликлар тамойилларига мос ҳолда ёндашиш ўз-ўзидан тадқиқотларимиз кун тартибига қўйилмоқда. Бизнингча, бундай бўлиши табиийдир. Чунки ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида гап шаклининг синтактик кенгайишини моделлаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай моделлардан бири аппликатив моделдир (*Аппликация сўзи лотинчада ямамоқ, ёпиштирмоқ маъноларини англаатади*).

Аппликатив модел структур тилшуносликка Н.Хомский, З.Харрис ва бошқаларнинг трансформацион моделидан кейин кириб келди. Мазкур модел ҳам, яратувчи кучга (порождающая) эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Бироқ у трансформациядан фарқланади. Улар ўртасидаги асосий фарқни трансформацияда ҳосила структуралар ўртасида маъно муштараклиги мавжудлиги, аппликатив моделда эса шаклланган ҳосилалар ўртасида маънонинг фарқланишида кўрамиз.

Аппликатив модел ўз мазмун эътиборига кўра универсал грамматикани тақозо этади ва қўлланиш обьекти конкрет тил ҳисобланади. Аммо буни нисбий тушунмоқ лозим, чунки илмий тадқиқот жараёнида ҳар доим абстракт ва умумий тарзда олинган генотипик тил материалига мурожаат этиш мумкин бўлгани сингари, бу ўринда ҳам конкрет тил материалига ўтишдан олдин универсал характерли абстракт тилга мурожаат этилиб, конкрет йўналиш белгилаб олинади. Абстракт характерли бундай тилни С.К.Шаумян ва П.А.Соболевалар генотипик тил деб атайдилар²¹.

Бироқ бу орқали аппликатив моделни абстракт модел демоқчи эмасмиз, у амалда қўлланилиб келаётган конкрет моделни тақозо этади. Абстрактлик тушунчасидан эса универсал характерли бўлган мавхум эталон тилга нисбатан фойдаланамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, универсал характерли генотипик тилнинг абстракт материалига татбиқ этилган аппликатив модел бирор бир конкрет

²⁰ Қаранг: Мурzin Л.Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. – С.4

²¹ Қаранг:Шаумян С.К., Соболева П.А. Основания порождающей грамматики русского языка. – М., 1968. – С. 10-11.

тилни назарда тутмайди, балки барча тиллар учун умумийдир. Мазкур моделни конкрет тил материалида қўллаш лозим бўлганда алоҳида генотипларга мурожаат этишга тўғри келади. Масалан, ўзбек тили *генотипи*, рус тили *генотипи*, ва х.к.

Аппликатив моделнинг яратувчаник кучи содда объектлардан мураккаб объектларнинг шаклланишида намоён бўлади. Конкрет тилларни ташкил этувчи генотипларнинг ҳар бири улар учун умумий бўлган генотипик тилнинг абстракт қоидаларини қабул қиласр экан, генотиплар ўртасида муштарақлик кузатилмайди. Чунки ҳар бир тил аппликатив моделдан ўзигагина хос бўлган тартибда фойдаланади.

Аппликатив модел тавсифи учун П.А.Соболеванинг ясама сўзларни (сўз ясалиши ҳодисасини) моделлаштиришга бағишлиланган илмий иши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда аппликатив модел моҳиятини имкон қадар содда тилда изоҳлаб беришга ҳаракат қилинади.

П.А.Соболева аппликатив моделни сунъий реляторли тил деб атайди. Мазкур модел асосида таҳлил этилганда ясама сўз шаклланиши аморф ўзакка таянади ва бундай ўзак категориал ҳамда функционал характеристикага эга бўлмайди. Аморф ўзакка қуидаги бешта аффикс-реляторлар тиркала олади: R_1 – вербализатор, R_2 – номинализатор, R_3 – адъективатор, R_4, R_5 – адвербиализаторлар²².

П.А.Соболеванинг кўрсатишича, асос(аргумент) билан реляторларнинг қўшилиши R_1O – ясама бўлмаган (туб) феъл, R_2O – туб от, R_3O – туб сифат ва R_4O, R_5O – туб равиш тарзида бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, П.А.Соболева бераётган формулаларга қисман ўзгариш киритиш ҳам мумкин. Чунки бу формулалар жумла шаклланишининг деривацион хусусиятларини кўрсатища заифлик қиласади. Бизнингча, жумланинг аппликатив модел асосидаги талқинини N, X, V тарзидаги символлар воситасида бериш анча қулай. Шунга ўхшашиб символлар Ю.Д.Апресян томонидан қўлланилган эди: N – от, V – феъл, A – сифат ва D – бошқа туркумлардаги сўзлар²³.

Юқорида қисман эслатиб ўтилгани сингари, Ю.Д.Апресян аппликатив моделнинг иккинчи компоненти сифатида трансформацион қоидаларни қайд этади. Бироқ, бизнингча, бу ўринда трансформациянинг муайян турларинигина шартли равища аппликатив моделга қиёс қилиш мумкин. Айнан ана шу жараёнда аппликатив ва трансформацион моделлар ўзаро кесишади.

Иккинчи параграфда гап шаклининг синтактик валентлик асосида кенгайиши тадқиқ этилади. Гапнинг синтактик шакли кенгайиши сўз воситасида воқеланиши табиийдир. Сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви уларнинг ҳам синтактик, ҳам семантик нуқтаи назардан боғланишини тақозо этади. Бунда, шубҳасиз, дистрибутив муҳим рол ўйнайди. Масалан, қуидаги икки сўзнинг дистрибутив хусусиятларига аҳамият берайлик: *дўст*,

²² Қаранг: Соболева П.А. Моделирование словообразования // Проблемы структурной лингвистики –1971. – М., 1972. – С.171. Бу ҳақда яна қаранг: Орешников А.С. О предложении формализации описанию деловых текстов // Интернет. [www.rus/ang.ru/doc/\(lingistoch\)](http://www.rus/ang.ru/doc/(lingistoch)), 1964. – С. 152.

²³ Қаранг: Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар, 223-227.

душман. Мазкур сўзларнинг биринчиси *содик* сўзининг дистрибутив майдонида bemalol қўлдана олади: *содик дўст*. Бироқ *душман* сўзи бундай имкониятга эга эмас, зотан, *содик душман* бўлмайди.

Сўзларнинг ана шу каби хусусиятлари уларнинг валентлик имкониятларини кўрсатади, зотан, валентлик деганда, муайян элементнинг синтагматик қаторда бошқа бир элемент билан боғдана олишини тушунамиз²⁴. «Валентлик» термини тилшуносликка аслида А.Рейхлинг томонидан киритилган бўлиб, ундан дастлаб 1948 йилда ёзилган «Структур тилишунослик ва сўз турлари» деб аталувчи илмий мақоласида А.В.Гроот фойдаланган эди²⁵. Рус тилшунослигига эса бу термин С.Д.Кацнельсон томонидан ёзилган (1948й.) «Грамматик категория ҳақида» мақоласида истеъмолга киритилади²⁶. Бироқ валентлик назарияси қарийб ўша даврларда Л.Тенъер томонидан ҳам мукаммал ишланди²⁷.

Ўзбек тилшунослигига феъл валентлиги масаласи И.Қўчқортоев, Р.Расулов, А.Миртожиев, С.Муҳамедовалар томонидан тадқиқ этилди ва айни пайтда мукаммаллаштирилмоқда²⁸.

Валентлик ҳодисасининг воқеланиши аппликатив усул доирасида рўй беради. Бунда синтактик деривация ҳодисаси устувор аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, мазкур модел деривациянинг асосий механизмларидан бирини тақозо этади. Сўзнинг, хусусан, феълнинг валентлик даражаси гапнинг синтактик шакли кенгайиши масаласи билан бевосита алоқадордир. Буни гапнинг туб ва таянч структураларини белгилаш жараёнида янада аникроқ кузата оламиз:

Узатди – туб структура.

Нодир узатди – таянч структура.

Айни пайтда таянч структурада фақат иш ҳаракати ва унинг биринчи даражали актанти қатнашмоқда. Таянч структурадан ҳосила структуралар шаклланиши жараёнида эса феъл валентлиги даражаси ўзини тўлиқ намоён этади: *Нодир китобни узатди* – *Нодир китобни дўстига узатди* – *Нодир китобни дўстига ёқар – ёқмас узатди*.

Шуниси характерлики, туб структурани ташкил этувчи феъл валентлиги даражаси ҳар доим мавхум ҳолатда бўлади. Унинг валентлик даражаси нутқ жараёнидагина аниқ бўлади. Бошқача айтганда, таянч структурада у валентлик даражасининг фақат бир қиррасини, ҳосила структураларда эса, гап синтактик шаклининг кенгайиши боис, валентлик имкониятларининг барча кўринишларини намойиш эта олади. Бу ўринда сўзнинг лексик маъноси мухим аҳамият касб этади. Сўзнинг лексик маъноси қанча мантикий узвга эга бўлса,

²⁴ Қаранг: Сова Л.З. Аналитическая лингвистика. – М., 1970. – С.95.

²⁵ Қаранг: .Groot A.W.de. Structural linguistics and word classes. – «Lingua», 1948,vol.1. – P.437

²⁶ Қаранг: Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ, 1948, №2. – С.132

²⁷ Қаранг: Тенъер Л. Основы структурного синтаксиса. – М.,1988. – С.250-296.

²⁸ Қаранг: Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги (ўзбек тилидаги нутқ феъллари материали асосида). – Тошкент, 1977; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳаракат феъллари ва уларнинг облигатор валентлиги. – Тошкент,1989; Миртожиев М.М.,Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида сўз валентликлари. – Тошкент, 2011.

валентлик даражаси ҳам шунча бўлади²⁹. Бундан ташқари, бу жараёнда актантлар олдидан қўлланувчи аниқловчи воситалар, иш ҳаракатининг бажарилиши тарзини кўрсатувчи сирконстантлар ҳам истеъмолга киритилади ва улар, ўз навбатида, гапнинг синтактик шакли кенгайиши учун хизмат қиласи. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: *Кулишиди* – туб структура. *Тоғалари кулишиди* – таянч структура. *Тоғалари мириқиб кулишиди* – ҳосила структура – (гап шаклининг синтактик кенгайиши биринчи босқичи). *Боланинг гапидан тоғалари мириқиб кулишиди* – ҳосила структура – (гап шаклининг кенгайиши иккинчи босқичи). *Норасида боланинг гапидан тоғалари мириқиб кулишиди* – ҳосила структура - (гап шакли кенгайишнинг учинчи босқичи). Доимо кичкиналигимча қоламан деб ўйлаган норасида боланинг гапидан тоғалари мириқиб кулишиди (М.Осим. Карвон йўлларида) – ҳосила структура - (гап шаклининг кенгайиши тўртинчи босқичи).

Берилган ҳосила структураларнинг барчаси аргументлари ўзича мустақил аппликативларни ташкил этиб, уларнинг абстрактлашган моделларини қуйидаги ифодаларда кўрсатиш мумкин:

$$NXV; X_2 X_3 NX_1 V; \quad X_4 X_2 X_3 NX_1 V; \\ X_5 X_4 X_2 X_3 NX_1 V; \quad X_6 X_5 X_4 X_2 X_3 NX_1 V^{30}.$$

Учинчи параграфда аппликатив модел ва гап синтактик шаклининг деривацион асосда кенгайишидаги мавқеи хусусида сўз юритилади. Маълумки, синтактик деривация ҳодисаси, асосан, икки усул билан - трансформацион ва гап шаклининг кенгайиши усуллари билан воқеланади. Демак, мазкур усулларнинг ҳар иккаласи ҳам аппликатив модел билан боғланади.

Аппликатив моделнинг қўлланиш даражаси тилларда турличадир. Бироқ агглютинатив тилларда бошқа тил системаларига қарагандан мазкур моделнинг морфологик воситаларга таяниши янада аниқроқ ўз ифодасини топади.

Гапнинг синтактик шакли кенгайишида бошқа воситалар билан бир қаторда аффиксларнинг ҳам аҳамияти катта эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Аффикслар сўз ўзаги ёки негизига қўшилиб келиб, уни иккинчи сўз билан боғлайди ва натижада гапнинг синтактик шакли ҳар сафар муайян сўзлар эвазига кенгайиб боради. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай аффикс ҳам бундай хусусиятга эга бўла олмайди. Чунки аффикснинг функционал фаоллиги унинг ўзига хос грамматик маъно англатиши билан узвий боғлиқ. Шу боис гапнинг синтактик шакли кенгайиши муайян маъно ифодасини берувчи аффикслар воситасида улар аппликатор³¹ вазифасини бажариши жараёнида рўй беради.

Таъкидлаш лозимки, аффикс аппликаторлар муайян сўзга қўшилгач, гап таркибига иккинчи сўзнинг киритилиши учун имконият яратган тақдирдагина

²⁹ Қаранг: Миртожиев М.М., Мухамедова С.Х. Кўрсатилган асар, 76-бет.

³⁰ С.К.Шаумян қўллаган символлар анча мураккаб бўлгани учун биз одатдаги символлардан фойдаланмоқдамиз: N – от, V – феъл, X – гап синтактик шаклининг ҳар қандай кенгайтирувчиси, яъни аппликатор. Ракамлар эса жумла таркибида рўй берган кенгайиш сонини кўрсатади.

³¹ Мазкур восита баъзи манбаларда аппликатив деб аталади. Қаранг: Бугаева А.Ю. Аппликативные конструкции в английском языке // Вопросы языкоznания, 2010, №4, – С. 55.

гап синтактик шаклининг кенгайиши учун хизмат қила олади, акс ҳолда бундай аффикс сўз кенгайтирувчиси мақомида бўлади:

1. *Дилдор ҳаракат қиларди* – Таянч структура (*NV*).

Дилдор кўринмасликка ҳаракат қиларди – шакли кенгайган ҳосила структура (*NX (ap.)*).

Дилдор Низомжонга кўринмасликка ҳаракат қиларди (С.Аҳмад. Уфқ.) - шакли кенгайтирилган ҳосила структура (*N₁ N₂ (ap.)V*).

2. *Қизлар ранжигандек бўлишиди.*

Бу ўринда - лар аффикси гап шаклини эмас, балки сўз шаклини кенгайтироқда.

Аппликатор кўшилаётган сўз ўзаги гапнинг синтактик шакли кенгайишига ана шу восита орқали таъсир этади. У мустақил сўз тарзида келганида бошқа сўзлар билан муносабатга киришуви жараёнида синтактик кенгайишга бевосита таъсир кўрсатиши ва бунда аппликатор вазифасини бажаришини кузата оламиз: *Онабибига ота тегиши ўша Исроилов деган одам Шивилгонни оралаб юрганмии* (А.Мухтор.Чинор).

Мазкур гапнинг синтактик деривацияси *Исройлов оралаб юрганмии* тарзида келаётган таянч структурага асосланмоқда. Бу ўринда деривация беш босқичли бўлиб, уни формулалар (фенотипик структуралар структур схемалари) орқали қўйидагича кўрсатиш мумкин:

1. $N X_1 X_2 V N X_1 X_2 X_3 V$.

2. $X_4 N X_1 X_2 X_3 V$.

3. $X_5 X_6 X_4 N X_1 X_2 X_3 V$.

4. $X_5 X_7 X_6 X_4 N X_1 X_2 X_3 V$.

Келтирилган формулаларда $X_1 X_2 X_3 X_4 X_5 X_6 X_7$ символлари воситасида белгиланаётган унсурлар сўз аппликаторни тақозо этмоқда. Бироқ шундай бўлса ҳам, гапнинг синтактик шакли кенгайишида аффикс аппликаторларнинг қўлланиш даражаси анча юқори эканини кўрамиз. Албатта, аппликатив моделнинг амалда қўлланилишида барча аффикслар бир хил даражада фаоллик кўрсата олмайди. Уларнинг баъзилари гапнинг синтактик сатҳига фақат бир сўзни олиб кира олса, айримлари икки, ундан ортиқ, ҳатто бутун бир синтактик қурилмани олиб кира олади. Бу ўринда энг кучли аппликатор сифатида сифатдош шаклини ясовчи -ган аффиксини кўрсатиш мумкин: *Тоза ҳаво, кишига ёруг, илиқ кун ваъда қилаётган тонгнинг ёришиб келишини кузатаётган одамнинг хаёлига яхши ўйлар келади* (С.Аҳмад.Уфқ).

Айни пайтда гапнинг синтактик шакли кенгайиши -ган аффикси билан ифодаланаётган аппликатор воситасида икки ўринда ўз аксини топмоқда:

1. ... тонгнинг ёришиб келишини кузатаётган одамнинг

2. *Тоза ҳаво, кишига ёруг, илиқ кун ваъда қилаётган тонгнинг*

Агар биринчи ҳолатда -ган аффикси ўзи қатнашаётган сўздан ташқари тўртта сўзни жумла таркибига кириши учун имкон бераётган бўлса, иккинчи ҳолатда саккизта сўзни гапнинг фаол компонентларига айлантироқда. Демак, бу ўринда берилган гапнинг синтактик деривациясини воқелантираётган X унсурларнинг ўн иккитаси -ган воситасида фаоллашмоқда: $X_{14} X_{15} X_{12} X_{13} X_8 X_9 X_{10} X_{11} X_4 X_5 X_6 X_7 X_3 X_1 X_2 NV$;

Гапнинг синтактик шакли кенгайишида равишдош ясовчи аффикслар ҳам фаол қатнашади. Улар ҳам иккidan ортиқ сўзни дериват таркибиға кирита олади.

Гап шаклининг синтактик мураккаблашуви кириш сўз ва бирималар, ундалмалар ва киритма қурилмалар орқали рўй бериши ҳам мумкин. Лекин мазкур воситаларнинг синтактик фаоллиги аппликатив модел доирасида рўй бермайди. Зотан, улар гап таркибида қатнашаётган сўзлар билан тўғридан – тўғри синтагматик муносабат ташкил эта олмайди.

Бироқ мазкур воситаларнинг гап таркибиға киритилиши учун прагматик воқелик томонидан эҳтиёж сезилади. Шу боис А.Р.Сайфуллаев бундай воситаларни гапнинг учинчи даражали бўлаклари вазифасида келишини илмий асослаб берган эди³².

Учинчи бобда гап синтактик шаклининг трансформация воситасида кенгайиши талқин этилади. Мазкур боб материали икки параграфда берилади ва уларнинг ҳар бирига қуйида қисқача тўхталамиз.

Биринчи параграф. Бевосита иштирокчилар ва аппликатив моделлар муносабати доирасида гап шаклининг синтактик кенгайиши масаласини ўрганиш, бизнингча, коммуникатив жараёнда нутқимиз шаклланиши муаммоси билан бевосита боғлиқдир. Албатта нутқнинг вужудга келиши ўзига хос мураккаб ҳодисани тақозо этади ва бунда муайян қонуниятларга амал қилинади. Бу жараённи мукаммалроқ тасаввур этиш учун дескриптив тилшуносликнинг бевосита иштирокчилар (БИ) деб номланувчи моделига мурожаат этдик. Зотан, БИ модели нутқда ўзаро муносабатга киришаётган тил бирликларини гуруҳлаш ва қайта гуруҳлаш имкониятига эга эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу модел хусусида батафсил маълумот берган олимлардан бири америкалик тилшунос Г.Глисондир.

Г.Глисон маълум бир жумла таркибида ўзаро боғланаётган сўзларни шу жумла нуқтай назаридан иштирокчилар деб атайди. Аммо унинг фикрига кўра, *иштирокчи ва бевосита иштирокчи* тушунчаларини фарқлаш лозим. Бевосита иштирокчилар – бу бир, икки, ёки бир нечта иштирокчилар кўмагида ташкил этилувчи қурилма демакдир. Масалан, *The old man who lives there has gone to his son's house* жумласида *the old man who lives there* ва *has gone to his son's house* тарзидаги парчалар БИ гуруҳларини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, *old man*, ўз навбатида, *old man who lives there* ҳолатида берилаётган қисмнинг ҳажман кичик бевосита иштирокчиси мақомида келмоқда. Аммо бутун бир жумланинг БИси эмас. Муайян қурилманинг бевосита иштирокчилари галдаги қурилманинг шунчаки иштирокчилари бўлиб келади. Бундай ҳолатда фақат иштирокчилар ҳакида сўз юритиш мумкин³³.

Гапни БИ модели асосида таҳлил қилиш шартига кўра, у энг аввал *от* ва *феъл* гуруҳларига ажратилади. Бунда ҳар икки қисм ҳам БИ мақомида бўлади.


³² Қаранг: Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. – Тошкент, 2000.

³³ Қаранг: Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М.,1959. – С.190-191. Усмонов С. (трансформация ва математик усуслар ҳакида) Умумий тилшунослик- Тошкент:-Ўқитувчи, 1972 – 196-197-бетлар.

Таҳлилнинг кейинги босқичида мазкур гуруҳлар яна иккига бўлинади ва таҳлил шу тарзда алоҳида сўзлар қолгунча давом эттирилади. Масалан: *Собирнинг болалиги бизнинг қишилоқда ўтган* гапининг БИ таҳлилига эътибор берайлик.

1. *Собирнинг болалиги / бизнинг қишилоқда ўтган.*
2. *Собирнинг // болалиги / бизнинг қишилоқда // ўтган.*
3. *Собирнинг // болалиги / бизнинг /// қишилоқда // ўтган.*

Айни пайтда берилган гапнинг горизонтал чизикдаги БИ таҳлилини кўрдик. Аммо таҳлилни вертикал чизик доирасида ҳам амалга ошириш мумкин:



БИ модели орқали берилган нутқ сегментини анализ қилиш ҳам, синтез қилиш ҳам мумкин. Бироқ БИ анализи горизонтал чизик сатҳида, синтези эса вертикал чизик доирасида бажарилса, операциялар аниқроқ намоён бўлади.

БИ модели синтезининг ўзига хос жиҳатларидан бирини тил материалининг таҳлили жараёнида аппликатив модел қўлланилишида кузатамиз. Бу эса, ўз навбатида, БИ ва аппликатив моделлар ўзаро кесишишидан далолат беради. Аммо мазкур моделлар ўртасида жиддий фарқ ҳам мавжуд. БИ модели таҳлилида фақат бир гапнинг компонентлари муносабати ўрганилса, аппликатив моделда эса ўта динамик характеристи кўрамиз. У орқали берилган гапни исталганча кенгайтириш мумкин. Бироқ айнан ана шу жараёнда бу икки модел ўртасида муносабат вужудга келади. Чунки гапнинг синтактик шакли кенгайиши янги-янги БИлар воқеланишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, БИ ва аппликатив моделларни яқинлаштиради:

Улуши бор экан - Ота мерос улуши бор экан - Салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан - Фирмасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан -Қоракўл фирмасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан - Катта Қоракўл фирмасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан - Юртидаги катта Қоракўл фирмасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан - Тугилган юртидаги катта Қоракўл фирмасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан (A.Мухтор. Чинор).

Гапнинг синтактик шакли кенгайиши билан боғлиқ берилган гапларнинг структур схемаларини (фенотипик моделларини) қўйидагида кўрсатиш мумкин:

$N+V \rightarrow X+N+V \rightarrow X_1+X_2+N+V \rightarrow X_1+X_2+X_3+N+V \rightarrow X_1+X_2+X_3+X_4+N+V \rightarrow X_1+X_2+X_3+X_4+X_5+N+V \rightarrow X_1+X_2+X_3+X_4+X_5+X_6+N+V \rightarrow X_1+X_2+X_3+X_4+X_5+X_6+X_7+N+V.$

Шуни ҳам айтиш керакки, мавжуд тадқиқот ишларида аппликатив моделнинг юқори босқичи трансформация билан алоқадор эканлиги хусусида маълумот берилса-да, унинг БИ модели билан кесишиши, баъзан эса муштараклиги ҳақида ҳеч нарса айтилмайди.

Иккинчи параграф. Ушбу параграфда гапнинг синтактик шакли трансформацион модел доирасида кенгайиши хусусида сўз юритилади. Тилшунослик адабиётларида аппликатив модел ўзининг юқори босқичида трансформация билан боғланиши ҳақида маълумот берилган бўлса-да, мазкур моделнинг трансформацияга қай тарзда муносабат билдириши конкрет тил материали воситасида кўрсатиб берилмаган. Бунда қўпроқ генотипик абстракт тил материалида далиллар келтирилганини кўрамиз. Баъзи ишларда эса трансформалар компонентларининг аппликатив модел асосида шаклланиши қайд этилади. Масалан, С.К.Шаумян ва П.А.Соболеваларнинг тил материали таҳлили учун қуидагиларни асос қилиб олишганини кўрамиз: (*Мальчик поёт*):

- 1). $R_1 R_2 N R_2 R_1 V$ (Певец был мальчиком)
- 2). $R_2 R_2 N R_3 R_1 V$ (поющий мальчик)
- 3). $R_3 R_2 N R_2 R_1 V$ (пение мальчика)
- 4). $R_4 R_2 N R_3 R_1 V$ (спетый мальчиком)³⁴.

Бунда $R_2 N R_1 V$ (*Мальчик поёт*) структураси инвариант асосли деб олинниб, ҳар бир трансформада муайян туркумларга оид сўзларнинг аппликатив боғланишда эканлиги таъкидланади. Назаримизда, масала моҳияти талқинига бу тарзда ёндашиш, асосан, трансформалар компонентларининг аппликатив модел асосидаги муносабатини кўрсатишда яхши натижа беради. Масаланинг иккинчи томони, яъни икки моделнинг кесишиши эса очиқ қолади. Айни пайтда факат трансформа шаклининг синтактик кенгайишини далиллай оламиз.

Бизнингча, аппликатив модел билан трансформацион моделларнинг кесишиш нуқтасини трансформаларнинг компонентлари муносабатидан излаш хато эмас. Бироқ бунда асосий эътибор трансформаларнинг шакли кенгайиши ёхуд торайишига қаратилади. Бу эса мустақил олинган гапларнинг аппликаторлар воситасида кенгайишидан фарқланмайди:

Ойисининг бу сўзлари ўртадаги маъюсликни тагин ҳам оғирлаштируди (Х.Ғулом. Тошкентликлар).

Берилган мисолнинг қуидаги трансформаларини ҳосил қилиш мумкин:

1. *Ўртадаги маъюслик ойисининг бу сўзларидан тагин ҳам оғирлашиди.*
2. *Ўртадаги маъюсликнинг ойисининг сўзларидан тагин ҳам оғирлашиши.*

Айни пайтда дастлаб *конверсия* трансформацияси, иккинчи ҳолатда эса *номинализация* трансформацияси қўлланилмоқда. Мазкур операцияларнинг ҳар бири ўзига хос нутқ муҳитида шакллана олади. Бу эса трансформалар шаклланишида *қўшимча дистрибуция* муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Яна бир мисол келтирайлик:

Ёз кечалари узун. Коронги тушигунча алламаҳал бўлиб қолади. (Х.Ғулом. Тошкентликлар).

³⁴ Қаранг: Шаумян С.К., Соболева П.А. Аппликативная порождающая модель и исчисление трансформаций в русском языке. – М., 1963. – С.44.

Мазкур гапларнинг биринчиси деривацион нуқтаи назардан таянч структурапи, иккинчиси эса ҳосила структурани тақозо этади. Бунда деривацион жараёндан сўзловчи ўзига хос усулда фойдаланмоқда. Бироқ айни пайтда қўшимча диструбутив муҳитда деривациянинг бошқа имкониятларини ҳам кузатамиш:

1. Ёз кечалари узун бўлгани учун, қоронги тушгунча алламаҳал бўлиб қолади.

2. Ёз кечалари узун бўлганидан (сабабли) қоронги тушгунча алламаҳал бўлиб қолади.

Келтирилган трансформалар контаминация номи билан аталувчи трансформация воситасида шаклланмоқда. Бу ўринда табиийки, аппликатив ва трансформацион моделлар рўйи-рост кесишмоқда³⁵.

Контаминация воситасида нафақат мураккаб синтактик қурилмалар, балки мураккаб шаклли содда гаплар ҳам ясалиши мумкин: *Кўчада гулхан. Терак ва ўрик саржинлар чарсиллаб ёнмоқда* (Ойбек. Болалик). - *Терак ва ўрик саржинлар кўчадаги гулханда чарсиллаб ёнмоқда*.

Айни пайтда, аппликатив модел ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилимоқда. Зотан, бунда фақат сўзларнинг аппликатив боғланиши эмас, балки икки гапнинг аппликатив муносабати воқеланмоқда.

Бундай вазиятда трансформация жараёни куйидаги формула қолипида бўлади: $P_1+P_2=P_3$.

Берилган мисолда икки моделнинг ўзаро кесишиши бир пайтнинг ўзида гап синтактик шаклининг кенгайишига ҳам олиб келмоқда. Бу тарздаги икки гапнинг ўзаро қоришуви синтез усули деб атаемиз.

Табиийки, икки содда гапнинг аппликатив модел доирасида муносабатга киришуви ҳар доим ҳам мураккаб содда гапларнинг деривациясига эмас, балки қўшма гапларнинг (мураккаб синтактик қурилмаларнинг) шаклланишига олиб келиши ҳам мумкин:

Бундан ҳеч хавотир оладиган нарса тополмаган *Онабибининг қўли барибири шига бормади*. - *Онабиби бундан ҳеч хавотир оладиган нарса тополмади- ю, лекин яна қўли шига бормади* (А.Мухтор. Чинор). - *Онабиби бундан ҳеч хавотир оладиган нарса тополмаган бўлса ҳам, қўли шига бормади*.

Айтиш лозимки, когнитив – прагматик муҳит таъсирида бўлган сўзловчи ихтиёрида ҳар доим синтактик структураларни танлаш имконияти бўлади.

Айнан ана шу каби имкониятлар мавжудлиги боис, трансформалар синтактик парадигмаси шаклланиши учун ҳам қулай шароит туғилади. Умуман олганда, бу ўта мураккаб жараён бўлиб, бунда тил, нутқ, когнитив – прагматик ҳамда антропоцентрик омилларнинг барчаси ўзаро кесишади. Бунда инсон омилиниң мавқеи катта бўлади.

³⁵ Бу ҳақда қаранг: Перепелица М.С. Графические и лексические трансформации газетно-журнальных заголовков//Интернет. Journals.hupu.edu.ua/ojs/rusfil/article/view/420/, 2012. – С. 40.

ХУЛОСА

1. Гапнинг синтактик шакли кенгайиши (мураккаблашуви) тилнинг нутқда қай тарзда қўлланиши билан боғлиқдир. Тилнинг нутқда қўлланиши эса, ўз навбатида, ташқи тилшунослик омиллари қуршовида бўлади. Бошқача айтганда, айни пайтда антропологик омил ва унинг когнитив-прагматик салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

2. Гап синтактик шаклининг мураккаблашуви муаммоси тилшунослигимизда мукаммал ўрганилди. Бунда ажратилган ва уюшиқ бўлаклар, шунингдек, кириш ва бирикмалар, ундалма воситаларида синтактик кенгайиш воқеланиши атрофлича ёритилди. Буни бу соҳада эришилган улкан ютуқ деб қайд этиш лозим.

3. Тилшунослигимизнинг эришган ютуқларидан яна бирини содда гап мураккаблашуви жараёни билан боғлиқ ишларда ярим предикативли қурилмалар шаклланиши масаласи мукаммал тадқиқ этилганлигига кўрамиз. Бу жуда муҳимдир, чунки синтактик қурилма кенгайишининг муҳим омилларидан бирини ана шу ҳодиса ташкил этади.

4. Аппликатив модел асосида гапнинг синтактик шакли кенгайишини ўрганиш ва кенгайишнинг ҳар бир босқичига хос бўлган қоидалар мажмуасини ишлаб чиқиши бугунги тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан биридир. Бунинг боиси шундаки, аппликатив модел ўз мазмuni эътиборига кўра яратувчанлик (порождающий) хусусиятга эга бўлган универсал грамматикани тақозо этади.

5. Аппликатив модел генотипик тил учун хосланган ҳолда вужудга келганлиги учун, у барча тилларга хос бўлган абстракт характерли эканлиги билан ажралиб туради. Бироқ амалда қўлланиши жараёнида дастлаб қисман реаллашади ва бунда муайян тил генотипи тарзида ярим абстракт моделлар ҳосил қилинади. Унинг аниқ бир тил материалига татбиқ этилиши эса фенотипик моделга асосланади.

6. Аппликатив моделнинг муайян тиллар материалида қўлланиниши ҳар бир тилнинг ички қонун-қоидаларига, уларда қўлланувчи аппликаторлар характерига боғлиқ бўлади.

7. Аппликатив модел синтактик деривация ҳодисасининг асосий механизмларидан бирини тақозо этади. Унинг деривацион қобилиятини чексиз деб аташ мумкин.

8. Гап шаклининг синтактик кенгайиши валентлик ҳодисаси билан узвий боғлиқ. Муайян сўзнинг валентлик даражаси қанча бўлса, синтактик кенгайиш ҳам шунча босқичда амалга ошади.

9. Синтактик кенгайиш деривацион жараёнда рўй бериши боис, шакли кенгайтирилган гап ҳар доим ҳосила структурани тақозо этади. Бу эса аппликатив моделда X символи билан белгиланади. X лар сони қанча бўлса, гапнинг синтактик кенгайиши босқичлари ҳам шунча бўлади.

10. Синтактик деривация ҳодисаси воқеланишининг асосий механизмларидан иккинчисини трансформацион модел ташкил этади. Бироқ

аппликатив ва трансформацион моделлар ўртасида жиддий фарқ мавжуд бўлишига қарамай, улар муайян нутқ муҳитида ўзаро кесишишлари ҳам мумкин. Бундай вазиятда аппликатив модел ўзининг юқори чўққисига кўтарилиган бўлади.

11. Тилшунослик адабиётларида аппликатив модел муайян бир гап сатҳида воқеланиши қайд этилади. Бироқ фактик тил материалининг таҳлили мазкур модел жумлалараро қўлланиш имкониятига ҳам эга эканлигини кўрсатади. Бундай вазиятда бир аппликатор (ёки релятор) икки гап ўртасида фаоллик кўрсатади.

12. Аппликатив моделнинг жумлалараро фаоллик кўрсатиши трансформация билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараёнда икки гап қоришуви натижасида синтактик шакли кенгайган содда гап ёхуд қўшма гап шаклланади.